



2018 йил у.г «28» сентябрь № 2128-Қ

Qo'shrahobot t., - p Кушрабад

**Қўшработ туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топшида кийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлана олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топшида кийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлана олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, туман ҳудудида жойлашган корхоналарда иш ўринларининг энг кам миқдорини белгилаш юзасидан берилган тақдирларни инобатга олиб

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туман ҳудудида жойлашган, ишлаётган ходимларнинг ўртача сони 20 нафардан ортиқ бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларда 2019 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топшида кийналадиган меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлана олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун 322 та иш ўрни бандлаштирилсин, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 23.9 фоиз (77 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини تامомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 56.8 фоиз (183 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар 5 фоиз (16 киши);

ногиронлиги бўлган шахслар учун 5,9 фоиз (19 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 1,2 фоиз (4 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар 6,2 фоиз (20 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 1,0 фоиз ( 3 киши).

2. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги №965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига илова Низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд этиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига илова Низомга асосан ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортикча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисmini туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида туман Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

4. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Д.Аликулов) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона ва ташкилот раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан кагъий назоратни таъминласин.

5. Туман ҳокимнинг 2017 йил 18 октябрдаги 1827-Қ-сонли қарори 2018 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

7. Ушбу қарор ижросини бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Сайфиддинов зиммасига юқлатилсин.

Туман ҳокими



Х.Окбутаев